

---

6 ноябрь 1928 йил - электр устара ишлаб чиқариш ҳуқуқи қўлга киритилган кун



Америкалик полковник Джейкоб Шик 6 ноябр 1928 йил электр устаралар ишлаб чиқариш ҳуқуқини олди. Унда “қуруқ устара” ғояси 1910 йили уйғонган эди. Шик ўша вақтларда Аляскада олтин қидириб юрарди ва иссиқ сув йўқлигидан жуда қийналарди. Лекин электр токи бор эди, шунинг учун ихтирочи электромотор ёрдамида қуруқ устара яшаш мумкин деган қарорга келди. Ҳатто электр устарани хомаки нусхасини ҳам ўзи чизди, лекин иш узоқ вақт четда қолиб кетди – ишлаб чиқарувчилар Шикга ишонмадилар. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Джейкоб Шик ишни ўз қўлига олди, пул жамғариш учун “ҳўл” устараларни мукамаллаштиришни бошлади. Ёзишларича, бу ҳарбий ихтирочини магазинли қурол руҳлантирган ва у бу кашфиётни устарада такрорлаган. Шик яратган электр устаралар ўша вақтда кенг тарқалган устаралардан шуниси билан фарқ қиладики, алмаштириладиган лезвиялар устара дастасида сақланади. Бозор янги товарни яхши қабул қилди, пуллар ўзи оқиб кела бошлади. Дунё миқёсида сифати жиҳатидан тан олинган лезвиялар ва қулай станог Шик номи билан боғлиқ.

2019-11-06 12:48:13